

“TENGE BANK” АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ КУЗАТУВ КЕНГАШИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ (Янги таҳрири)

ТОШКЕНТ ш. – 2021 й.

II. БАНК КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ ХУҚУҚЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

5. Банк Кузатув кенгаши Банк фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, Банк Ягона акциядори ҳаққига киритилган масалаларни ҳал қилиш бўйича мустасно.
6. Банк Уставининг 40.2.1-қисмида, мазкур Ниҳомда ва Банкнинг бошқа ички норматив ҳужжатларида белгиланган масалаларни ҳал қилиш Банк Кузатув кенгаши ваколатларига тегишлидир.
7. Банк Кузатув кенгаши ваколатларига хиритилган масалалар ҳал қилиниш учун Банк Бошқарувида берилиши мумкин эмас.
8. Банк Кузатув кенгаши вазифалари қуйидагилардан иборат:
 - а) ўз ваколатларини Банк Ягона акциядори маъфазларида амалга ошириш;
 - б) Банкнинг ваколатли бошқарувини таъминлаш;
 - в) Банк Бошқаруви томонидан ишлаб чиқилган узоқ муددатли ва қисқа муددатли бизнес-режаларни куриб чиқиш ва тасдиқлаш;
 - г) Банкнинг оператив фаолияти, ўзги кредитлари ва маблағлар янгиштириш қилиниш жорий назоратини ўзига ошириш (омснатчилар, кредитдорлар ва Ягона акциядор маъфазларини ҳамма ҳисоб маълумотида);
 - д) Банк фаолияти стратегик ва боғлиқлиқ;
 - е) Банк даромадчилигини таъминлаш (назорат қилиш);
 - ж) ички аудит хизмати фаолият қуретишини таъминлаш;
 - з) қонуний, халфсиз ва оқилона Банк фаолиятини амалга ошириш учун адекват ошратилиш ва ички сифатларини қабул қилиш, шунигаддек улар бажарилишини назорат қилиш;
 - и) Банк қорамда энг камда 1 (бир) марта Банк фаолияти натижалари тўғрисидаги ҳисоботларни таъинлаш;

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур “Tenge Bank” Акциядорлик тижорат банки Кузатув кенгаши тўғрисида Низом (бундан буён матнда – “Низом”) Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида” (янги таҳрири) ва “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” (янги таҳрири), “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги (янги таҳрири) қонунлари ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек “Tenge Bank” АТБ (бундан буён матнда – “Банк”) Уставига ҳамда Банкнинг бошқа ички норматив ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Мазкур Низом “Tenge Bank” Акциядорлик тижорат банки Кузатув кенгаши (бундан буён матнда – “Кузатув кенгаши”) мақомини ва иш тартибини белгилайди, Банк Кузатув кенгаши аъзоларини танлаш тартибини, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари ва вазифаларини белгилайди.

3. Банк Кузатув кенгаши Банк фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнида назорат ва текширув функцияларини бажаради, умуман Банкнинг фаолияти ва молиявий барқарорлиги учун жавобгар бўлади.

4. Банк Кузатув кенгаши ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида” (янги таҳрири), “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” (янги таҳрири), “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида” (янги таҳрири), “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги (янги таҳрири) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ва фармойишлари, шунингдек бошқа қонун ҳужжатлари, Банк Уставига ва Банкнинг бошқа ички норматив ҳужжатларига амал қилади.

II. БАНК КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

5. Банк Кузатув кенгаши Банк фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, Банк Ягона акциядори ваколатига киритилган масалаларни ҳал қилиш бундан мустасно.

6. Банк Уставининг 40.2.1-бандида, мазкур Низомда ва Банкнинг бошқа ички норматив ҳужжатларида белгиланган масалаларни ҳал қилиш Банк Кузатув кенгаши ваколатларига тегишлидир.

7. Банк Кузатув кенгаши ваколатларига киритилган масалалар ҳал қилиниш учун Банк Бошқарувига берилиши мумкин эмас.

8. Банк Кузатув кенгаши вазифалари қуйидагилардан иборат:

- а) ўз ваколатларини Банк Ягона акциядори манфаатларида амалга ошириш;
- б) Банкнинг ваколатли бошқарувини таъминлаш;
- в) Банк Бошқаруви томонидан ишлаб чиқилган узоқ муддатли ва қисқа муддатли бизнес-режаларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;
- г) Банкнинг оператив фаолияти, тўғри кредитлаш ва маблағлар инвестиция қилиниши жорий назоратини амалга ошириш (омонатчилар, кредиторлар ва Ягона акциядор манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида);
- д) Банк фаолияти стратегиясини белгилаш;
- е) Банк даромадлилигини текшириш (назорат қилиш);
- ё) ички аудит хизмати фаолият юритишини ташкиллаштириш;
- ж) қонуний, хавфсиз ва оқилона Банк фаолиятини амалга ошириш учун адекват операцион ва ички сиёсатларни қабул қилиш, шунингдек улар бажарилишини назорат қилиш;
- з) йил чорагида энг камида 1 (бир) марта Банк фаолияти натижалари тўғрисидаги ҳисоботларни тинглаш;

и) Банк сиёсатларига ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқликни ва адекват назоратни таъминлаш учун банк операциялари назорат қилинишини амалга ошириш;

к) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган корпоратив бошқарувга доир талабларга риоя қилиниши тўғрисида ҳисоботни тақдим қилиш.

9. Банк Кузатув кенгаши ўз фаолияти самарадорлигини таъминлаш учун вақти-вақти билан (йилига энг камида бир марта) қуйидагиларни амалга ошириши керак:

- Кузатув кенгаши ҳар бир аъзоси томонидан амалга оширилган фаолият самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари ва натижалари асосида уларнинг касбий жавобгарлигини баҳолаш;

- бошқарув усуллари ва сиёсати самарадорлигини кўриб чиқиш, муаммоли соҳаларни аниқлаш ҳамда тегишли ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш.

III. БАНК КУЗАТУВ КЕНГАШИНИ САЙЛАШ ТАРТИБИ

10. Банк Кузатув кенгаши 5 киши таркибида сайланади. Кузатув кенгашининг аксарият аъзолари Банк билан боғлиқ шахслар бўлмаслиги керак, уларнинг Кузатув кенгашига аъзолиги бундан мустасно. Кузатув кенгаши аъзолигига номи кўрсатиладиган шахслар номзодлари лавозимга тайинлангунгача Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида мувофиқлаштирилиши керак.

Банк Кузатув кенгаши аъзолари Банк Ягона акциядори томонидан 1 (бир) йил муддатга сайланади. Банк Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган марта қайта сайланишлари мумкин.

11. Банк Бошқарув Раиси ва аъзолари, шунингдек Банкда меҳнат шартномаси бўйича ишлайдиган шахслар Банк Кузатув кенгашига сайланишлари мумкин эмас.

Банк Кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар пок номга эга бўлишлари, Банк таваккалчиликлари самарали бошқарувини таъминлаш, ўз ваколатлари доирасида асосли қарорлар қабул қилиш учун талаб этиладиган тажриба, билимлар ва малакаларга эга бўлишлари керак.

Қуйидаги шахс Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси сифатида эътироф қилинади:

- Банкда ва (ёки) Банкнинг аффилиланган шахсларида сўнгги 3 (уч) йил давомида ишламаган;

- Банк акциядори ва (ёки) Банк аффилиланган шахсларининг таъсисчиси (акциядори, иштирокчиси) ҳисобланмаган;

- Банк ва (ёки) Банк аффилиланган шахсининг йирик мижози ва (ёки) йирик таъминотчиси билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга эга бўлмаган. Бунда, асосий ҳисоб-китоб ҳажмлари икки мингдан юқори суммага амалдаги шартнома тузилган шахслар йирик мижоз ва йирик таъминотчи сифатида эътироф қилинади;

- Банк ва (ёки) Банкнинг аффилиланган шахслари билан бирон-бир шартномаларга эга бўлмаган, Кузатув кенгаши аъзоси вазифалари ва функциялари бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ битимлар бундан мустасно;

- Банк ва (ёки) Банкнинг аффилиланган шахслари бошқарув ва ички назорат органларининг аъзоси ҳисобланган ёки сўнгги уч йил давомида аъзоси бўлган шахсининг эри (хотини), ота-онаси (ўғил/қиз қилиб асраб олувчи), боласи (ўғил/қиз қилиб асраб олинган), туғишган ёки ўғай ака-укаси ёки опа-синглиси бўлган;

- давлат бошқарув органи ёки давлат корхонаси ходими ҳисобланмаган.

Банк Кузатув кенгаши аъзолигига қуйидаги шахслар сайланиши мумкин эмас ёки сайланган шахс Банк Кузатув кенгашига аъзолик ҳуқуқидан маҳрум қилинади, агар:

- шахс икки ёки ундан кўпроқ Банклар Кузатув кенгаши аъзоси ҳисобланса ёки аъзоси бўлишни мақсад қилган бўлса, ушбу банклар бир банк гуруҳига тегишли бўлган

ҳолатлар бундан мустасно;

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки талабига асосан шахснинг ваколатлари муддатдан олдин бекор қилинган.

12. Банк Кузатув кенгаши аъзосининг ваколатлари қуйидаги ҳолатларда тегишли асослар бўйича бекор қилиниши мумкин:

а) Банк Ягона акциядорини ёзма шаклда хабардор қилган ҳолда ўз ваколатларини ихтиёрий равишда топшириш;

б) Банк Кузатув кенгаши аъзосининг вафоти;

в) Банк Кузатув кенгаши аъзосининг қамоққа олиниши;

г) Банк Ягона акциядори томонидан тегишли қарор қабул қилиниши.

13. Банк Кузатув кенгаши аъзолари орасидан энг муҳим масалаларни кўриб чиқиш ва Банк Кузатув кенгашига тавсиялар тайёрлаш учун қўмиталар ташкил этилиши мумкин.

IV. БАНК КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ РАИСИ

14. Банк Кузатув кенгаши Раиси Банк Кузатув кенгаши аъзолари томонидан Кузатув кенгаши таркибидан Кузатув кенгаши аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан сайланади.

15. Банк Кузатув кенгаши Раиси Банк Кузатув кенгаши ишини ташкиллаштиради, йиғилишларини чақиради ва уларга раислик қилади, йиғилишларда Банк Кузатув кенгаши йиғилишлари баённомаси юритилишини ташкиллаштиради.

16. Банк Кузатув кенгаши Раиси бўлмаган ҳолатда, унинг функциялари Банк Кузатув кенгаши аъзоларидан бири томонидан амалга оширилади.

V. БАНК КУЗАТУВ КЕНГАШИ ЙИҒИЛИШИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

17. Банк Кузатув кенгаши йиғилиши Банк Кузатув кенгаши Раиси томонидан унинг ўз ташаббусига асосан, Банк Кузатув кенгаши аъзоси, Банк Тафтиш комиссияси, Банк Бошқарувининг талабига асосан, Банк Ягона акциядори, Банк Ички аудит бошқармаси раҳбари, Банк ташқи аудиторининг талабига асосан чақирилади.

Банк Кузатув кенгаши йиғилиши энг камида ойига бир марта чақирилади.

Банк Кузатув кенгаши йиғилишини ўтказиш учун кворум Банк Кузатув кенгашининг сайланган аъзолари сонининг энг камида 75 (етмиш беш) фоизини ташкил этиши керак.

Банк Кузатув кенгаши аъзолари сони мазкур Низомда назарда тутилган миқдорнинг 75 (етмиш беш) фоизидан камроқ миқдорини ташкил этган ҳолатда, Банк Ягона акциядори томонидан Банк Кузатув кенгашининг янги таркиби сайланади.

18. Банк Кузатув кенгаши йиғилишида қарорлар йиғилишда иштирок қилаётган Кузатув кенгаши аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади, қуйидаги қарорлар бундан мустасно:

- сиртдан овоз бериш орқали қабул қилинадиган қарорлар;
- баланс қиймати ёки харид қиймати йирик битимни тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш санасида Жамият соф активлари миқдорининг 15 (ўн беш) фоизидан 50 (эллик) фоизигача миқдорини ташкил этадиган мулк предмети ҳисобланган бундай йирик битимни тузиш тўғрисида қарорлар;

- Банк томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга конвертация қилинадиган облигациялар, бошқа эмиссия қоғозлари ва сертификатларини чиқариш тўғрисида қарорлар;

- устав фондини ошириш ва Банк уставига тегишли ўзгартишлар киритиш тўғрисида қарорлар;

- бир овоздан қабул қилинадиган аффилланган шахс билан битимни тасдиқлаш тўғрисида қарорлар.

Банк Кузатув кенгашининг икки ва ундан кўпроқ аъзоси аффилланган шахслар бўлган ҳолатда, битим бўйича қарор амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда Банк Ягона акциядори томонидан қабул қилинади.

Банкнинг аффилланган шахси Банк Кузатув кенгаши ёки Банк Ягона акциядори томонидан ушбу битим бўйича қарор қабул қилинишида муҳокамада иштирок қилишга ва овоз беришга ҳақли эмас.

19. Банк Кузатув кенгаши қарорлари Банк Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан сиртдан (сўровнома орқали) овоз бериш билан қабул қилиниши мумкин.

20. Банк Кузатув кенгаши ўз ишини ташкил қилиш учун котибни тайинлайди.

Корпоратив котиб – Банк Кузатув кенгаши ва (ёки) Банк Бошқаруви аъзоси ҳисобланмаган Банк ходими бўлиб, у Банк Кузатув кенгашига ҳисобот беради.

Банк Корпоратив котиби ўз фаолияти доирасида Банк Кузатув кенгаши йиғилишларига тайёргарликни назорат қилади, Банк Кузатув кенгаши йиғилишига кун тартиби масалалари бўйича материаллар шакллантирилишини таъминлайди, улардан фойдаланиш имкониятлари таъминланишини назорат қилади, шунингдек Банк Ягона акциядорига кўриб чиқиш учун киритиладиган масалалар бўйича Банк Ягона акциядорига изоҳлар ва материалларни тақдим қилади.

Банк Корпоратив котиби Банкда корпоратив сиёсат ва корпоратив жараёнлар учун жавобгар бўлади. Корпоратив котиб вазифаси Банкда Ягона акциядор ва бошқа Банк бошқарув органларининг ўзаро муносабатларида низоли вазиятлар ҳал қилинишини таъминлашдан иборат.

Корпоратив котиб ваколатлари ва фаолияти Банкнинг тегишли ички қоидаларида белгиланади.

Корпоратив котибни тайинлаш, унинг ваколатлари муддатини белгилаш, унинг ваколатларини муддатидан олдин бекор қилиш, шунингдек Корпоратив котибнинг лавозим маоши миқдорини ва мукофотлаш шартларини белгилаш Банк Кузатув кенгаши ваколатларига тегишлидир.

Банк Кузатув кенгаши котиби Банк Бошқарув Раиси буйруғи билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан бўшатилади.

Банк Кузатув кенгаши котиби юқори касбий, амалий ва этик фазилатларга, ташкилий ишлар малакаларига эга бўлиши керак.

Банк Кузатув кенгаши котиби Банк Кузатув кенгаши аъзоларининг Банк Кузатув кенгаши йиғилиши кун тартиби ва ўтказилиши тўғрисида хабардор қилинишини, сўровнома тартибида овоз бериш (сиртдан овоз бериш) учун бюллетенлар тайёрланишини ва Банк Кузатув кенгаши аъзоларига тарқатилишини, Банк Кузатув кенгашининг бевосита қатнаб ва сиртдан ўтказиладиган йиғилишлари баённомалари тайёрланишини ва расмийлаштирилишини, шунингдек қайд этилган ҳужжатларнинг Банк ички қоидаларига мувофиқ белгиланган тартибда Банк архивига топширилишини амалга оширади.

Банк Кузатув кенгаши котиби Банк Кузатув кенгашининг исталган аъзоси талабига асосан Банк Кузатув кенгаши йиғилиши баённомаси нусхасини ва (ёки) Банкнинг ваколатли шахси имзоси ва муҳри билан тасдиқланган баённомадан кўчирмани танишиб чиқиш учун тақдим қилади.

Банк Кузатув кенгаши котиби:

- Банк Кузатув кенгаши котиби вазифасини бажариши туфайли унга маълум бўлган Банк фаолияти тўғрисида махфий ахборотни ошкор қилмаслиги шарт;

- Банк Кузатув кенгаши йиғилишлари ўтказилишини тайёрлаш учун керакли ахборот ва материалларни талаб қилиш ва белгиланган муддатларда олишга ҳақли.

21. Банк Кузатув кенгаши котиби томонидан Банк Кузатув кенгаши йиғилишларида баённома юритилади, у йиғилиш ўтказилганидан сўнг 10 (ўн) кундан кечиктирилмай тузилади ва тасдиқланади.

Банк Кузатув кенгаши йиғилиши баённомаси Банк Кузатув кенгашининг йиғилишда иштирок қилаётган аъзолари томонидан имзоланади, улар баённоманинг тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўладилар.

22. Йиғилиш баённомасида қуйидагилар қайд этилади:

- йиғилиш ўтказиладиган санаси, вақти ва жойи;
- йиғилишда иштирок қилаётган шахслар;
- йиғилиш кун тартиби;
- овоз бериш учун қўйилган масалалар, улар бўйича овоз бериш яқунлари;
- қабул қилинган қарорлар.

Банк Кузатув кенгаши йиғилиши баённомаси имзоланган кунда Банк Бошқарувига ижро учун топширилади.

23. Банк Кузатув кенгаши қарори ижрочиларга Банк Кузатув кенгаши йиғилиши баённомасидан алоҳида масалалар бўйича Банк Кузатув кенгаши котиби томонидан имзоланган ва Банк котибияти муҳри билан тасдиқланган кўчирмалар шаклида етказилади.

VI. БАНК КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

24. Банк Кузатув кенгаши аъзоси қуйидагиларга ҳақли:

- Банк Кузатув кенгаши йиғилишида шахсан иштирок қилиш, йиғилишда регламент билан ажратилган вақт доирасида муҳокама қилинадиган масала бўйича сўзга чиқиш;
- муайян вақт давридаги Банк фаолияти натижалари, уни ривожлантириш режалари тўғрисида тўлиқ ва асосли ахборот олиш;
- Банк Кузатув кенгашидаги фаолияти, ўзига юклатилган функциялар бажарилганлиги учун муайян мукофот пулини олиш.

Банк Кузатув кенгаши аъзолари ўртасида функцияларнинг тақсимланиши Банк Кузатув кенгашининг муайян ҳар бир аъзоси учун Банк Кузатув кенгаши Раиси томонидан амалга оширилади.

25. Банк Кузатув кенгаши аъзоси қуйидаги мажбуриятларга эга:

- Банк манфаатлари ҳисобга олинган ҳолда ўз ваколатларини амалга ошириш;
- Банкнинг стратегик мақсадлари, корпоратив бошқарув сиёсатлари, бошқа ички сиёсатларини, шу жумладан Банк таваккалчиликларини аниқлаш, бошқариш, назорат қилиш ва улар тўғрисида хабардор қилиш, капиталнинг етарлилигини таъминлаш, шунингдек қонуний, хавфсиз ва самарали банк фаолиятини амалга ошириш, Банк мақсадларига эришишга доир сиёсатларини тасдиқлаш ва уларнинг амалга оширилишини назорат қилиш;
- Банкнинг қабул қилинган Бизнес-режаси ижросини назорат қилиш;
- Банк Бошқаруви устидан назоратни амалга ошириш;

- қонун ҳужжатлари, Банк Устави ва мазкур Низомда белгиланган ваколатлар доирасида бошқа вазифалар.

26. Банк Кузатув кенгаши аъзоси Банк тарафлардан бири бўлган битимда молиявий манфаатдорликка эга бўлган ҳолатда, шунингдек Банк Кузатув кенгаши аъзосининг бошқа манфаатлар тўқнашуви ҳолатида, Банк Кузатув кенгаши аъзоси битим тузиладиган пайтгача Банк Кузатув кенгашини ўз манфаатдорлиги тўғрисида олдиндан хабардор қилиши шарт, битим тўғрисида қарор эса Банк Кузатув кенгашининг бундай манфаатдорликка эга бўлмаган аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилиниши ёхуд Банк Ягона акциядори томонидан қабул қилиниши керак. Бунда, Банк Кузатув кенгашининг манфаатдор аъзолари бундай битим бўйича муҳокамада ҳам, қарор қабул қилишда ҳам иштирок қилмайдилар.

27. Банк Кузатув кенгаши аъзолари Банк Кузатув кенгаши томонидан у ёхуд бу қарор қабул қилинишига таъсир этиш учун бевосита ёки билвосита ҳақ олишга ҳақли эмас.

28. Банк Кузатув кенгаши аъзолари шахсий бойиш мақсадида Банк имкониятларидан (мулкӣ ёки мулкӣ бўлмаган ҳуқуқлардан, хўжалик фаолияти соҳасидаги имкониятлардан, Банк фаолияти ва режалари тўғрисидаги ахборотдан) фойдаланишга ҳақли эмас.

29. Банк Кузатув кенгаши аъзосига мукофот пуллари ва компенсациялар миқдори, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва Банк Уставида белгиланган шартлар ва чекланишлар ҳисобга олинган ҳолда, Банк Ягона акциядори томонидан тасдиқланадиган Банк Кузатув кенгаши аъзоларини мукофотлаш тартиби тўғрисидаги Низомда белгиланади.

VII. ЯГОНА АКЦИЯДОР ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

30. Банк Ягона акциядори ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш Банк Кузатув кенгаши томонидан қуйидагилар орқали амалга оширилади:

- Банк фаолиятини Банк Ягона акциядори манфаатлари ҳисобга олинган ҳолда ташкил этиш;
- Банк Ягона акциядорига кўриб чиқиш учун муқаррар равишда киритиладиган таклифлар ўз вақтида тайёрланишини тегишлича назорат қилиш.

VIII. БАНК ФАОЛИЯТИ НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ

31. Банк Кузатув кенгаши Банк Бошқарувидан вақти-вақти билан (йил чорагида энг камида 1 (бир) марта) молиявий ҳолат тўғрисида шарҳлар ва ёзма ҳисоботлар ҳамда Банк фаолияти тўғрисида батафсил ахборот, шу жумладан уларни такомиллаштириш бўйича тавсиялар олади, шунингдек Банк Бошқаруви Раиси ва Ички аудит бошқармаси бошлиғининг маърузаларини тинглайди.

Банк Кузатув кенгаши аъзолари тавсияларнинг тўғрилигини ва уларни амалга ошириш имкониятларини аниқлаш мақсадида бундай ҳисоботлар ва тавсияларнинг пухта текширувини амалга оширадилар.

32. Банк Кузатув кенгаши Банк фаолияти устидан назоратни амалга ошириш бўйича вазифаларни бажариш учун тегишли кўмиталар, комиссиялар ташкил этиши ва улар тўғрисида низомларни тасдиқлаши мумкин.

Бундай кўмиталар қуйидагилардан иборат: Аудиторлик кўмитаси, Таваккалчиликларни бошқариш кўмитаси, Ҳақ тўлашлар кўмитаси ва бошқа.

33. Ҳар бир қўмита ўз фаолият масалалари бўйича мустақил йиғилишлар ўтказди ва Банк Кузатув кенгаши олдида унинг йиғилишларида амалга оширилган ишлар якунлари тўғрисида ҳисобот бериши шарт.

34. Банк Кузатув кенгаши томонидан ташкил этилган қўмиталарнинг асосий вазифаси ўз ваколатлари доирасида масалаларни чуқур ўрганиш, улар бўйича таклифлар ва тавсияларни ишлаб чиқиш, шунингдек Банк Кузатув кенгашининг назорат бўйича вазифалари бажарилишида қўмаклашишдан иборат.

Қўмиталар Банк Кузатув кенгаши қарорлари ижросини, Банк стратегиялари ва мақсадларининг бажарилиш жараёнини таҳлил қилади ҳамда банк фаолияти бўйича ўз тавсияларини ва мунтазам ҳисоботларни Банк Кузатув кенгашига кўриб чиқиш учун тақдим қилади.

35. Банк Кузатув кенгаши ҳар бир қўмитанинг фаолият тамойилларини, уларнинг ваколатларини, мажбуриятларини, вазифаларини, иш тартибини, йиғилишлар даврийлигини, Банк Кузатув кенгашига ҳисоботлар тақдим қилиш тартиби ва муддатларини, шунингдек бошқа масалаларни қамраб оладиган қўмита тўғрисидаги низомни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

36. Қўмиталар таркибига Банк Кузатув кенгашининг энг камида 3 (уч) аъзоси киритилиши керак. Қўмита бошқа қўмита аъзолари ҳисобланган шахслардан ташкил топиши, шунингдек Банк Кузатув кенгашининг бир аъзоси бир вақтнинг ўзида икки ва ундан кўпроқ қўмиталар раиси бўлиши мумкин эмас.

37. Банк Кузатув кенгаши қўмиталарга юклатилган вазифалар ва мажбуриятлар ижросини мунтазам равишда назорат қилиши, бунга етарлича вақт ажратиши ва қўмиталарнинг тажрибали аъзолар билан бутланишини таъминлаши шарт.

Ҳар бир қўмитанинг аксарият аъзолари Банк билан боғлиқ шахслар бўлмаслиги керак, уларнинг Банк Кузатув кенгашига аъзолиги бундан мустасно. Банк Кузатув кенгаши Раиси қўмитанинг раиси бўлмаслиги керак.

IX. КАДРЛАР СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ

38. Банк Кузатув кенгаши Банк бошқарувининг халқаро тажрибага мувофиқ замонавий усуллари жорий қилинишини амалга оширади, Банк фаолиятининг меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қўмаклашадиган устувор йўналишларини белгилайди.

39. Кадрлар сиёсати қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлиши керак, у қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Банк ходимларига ҳақ тўлаш, уларни рағбатлантириш ва жазолаш тизими;
- ўқитиш ва қайта ўқитиш дастури;
- тегишли зарурият юзага келган ҳолатда, вақтинча раҳбарлар вазифасини бажариш тартиби;
- Банк раҳбариятини ишдан бўшатиш мажбурий бўлган вазиятлар рўйхатини белгилаш.

40. Банк Кузатув кенгаши Банк Бошқаруви Раисини тайинлаш ёки унинг ваколатларини муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида таклифларни шакллантиради ва уни Банк Ягона акциядорига кўриб чиқиш учун киритади.

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, Банк Бошқаруви Раисини тайинлаш тўғрисида қарор танлов орқали саралаш асосида қабул қилиниши мумкин, бунда юқори малакали хорижий мутахассислар иштирок қилишлари мумкин.

41. Банк Кузатув кенгаши қуйидагиларни тасдиқлайди:

- Банк Бошқаруви аъзолари ва Банкнинг асосий хизматлари раҳбарлари фаолиятини баҳолаш мезонлари;
- Банк ходимлари корпоратив этика кодекси ва манфаатлар тўқнашуви олдини олиш чора-тадбирлари;
- Банк мансабдор шахслари билимсизлиги, инсофсизлиги, манфаатлар тўқнашуви оқибатида ёхуд Банк фаолиятига ёки унинг бўлинмаларига салбий таъсир этиши мумкин бўлган бошқа сабабларга кўра уларга юклатилган вазифалардан четлаштириладиган шарт-шароитлар рўйхати.

Х. БАНКНИНГ АДЕКВАТ КАПИТАЛЛАШИШНИ ТАЪМИНЛАШ

42. Банк капиталини сақлаш ва унинг Банк операциялари таваккалчилиги кўламларига ва даражаларига мувофиқлигини таъминлаш учун Банк Кузатув кенгаши:

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган ҳажмларда эҳтимолий йўқотишлар ўрнини тўлдириш учун керакли Банк томонидан махсус захиралар ташкил этилишини назорат қилади;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган кўрсаткичлардан юқори бўлмаган банк таваккалчиликлари даражаси таъминланишини Банк Бошқарувидан талаб қилади;
- қимматли қоғозлар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган ҳолатда, Банк қимматли қоғозларини жойлаштириш чора-тадбирларини кўради;
- Банкнинг капитал ва умумий захиралари етарли даражада сақланишини таъминлайди.

ХІ. БАНКНИНГ РИВОЖЛАНИШ СТРАТЕГИЯСИ ВА БИЗНЕС-РЕЖАСИНИ ТУЗИШ ВА БАЖАРИШ

43. Банк Кузатув кенгаши Банк Бошқаруви томонидан ишлаб чиқилган Банк ривожланиш бизнес-режасини тасдиқлайди, у қуйидагиларни ўз ичига олади:

- моддий-техник, молиявий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга кўмаклашувчи Банк фаолиятининг устувор йўналишлари;
- Банк бошқарувининг халқаро тажрибага мувофиқ замонавий усулларини жорий қилиш.

44. Банк Кузатув кенгаши Банк Бошқаруви томонидан Банк ривожланиш стратегиялари амалга оширилишини таъминлайди.

45. Банк ривожланиш стратегиялари, одатда, керакли ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш мақсадида йилига энг камида 1 (бир) марта қайта кўриб чиқилади.

ХІІ. БАНК КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

46. Банк Кузатув кенгаши аъзолари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва Банк Уставига мувофиқ Банк ва Банк Ягона акциядори олдидан ўз мажбуриятлари тегишлича бажарилиши учун жавобгар бўладилар.

47. Банк Кузатув кенгаши йиғилишларида овоз беришда иштирок қилмаган ёки Банкка зарарлар етказилишига олиб келган қарорларга қарши овоз берган Банк Кузатув кенгаши аъзолари жавобгарликдан озод қилинадилар, Банк Кузатув кенгаши аъзоси Банк Кузатув кенгаши томонидан у ёхуд бу қарорлар қабул қилинишига бевосита ёки билвосита таъсир этган ҳолатлар бундан мустасно.

ХШ. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

48. Мазкур Низом, шунингдек унга ўзгартишлар ва қўшимчалар Банк Кузатув кенгаши тавсиялари асосида Банк Ягона акциядори томонидан тасдиқланади.

49. Агар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари нормалари ўзгариши натижасида мазкур Низом талаблари уларга зид келиб қолса, мазкур Низомга тегишли ўзгартишлар киритилгунгача ушбу талаблар ўз кучини йўқотади, ушбу вақт даврида Банк Кузатув кенгаши Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ва Банк Уставига амал қилади.

50. Банк Кузатув кенгаши таркиби тўғрисидаги маълумотлар Банкнинг корпоратив сайтида эълон қилинади.